



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 сентябр, душанба № 137 (1562)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқкаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улғу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Мухтарам меҳмонлар!
Бугун - мамлакатимиз ҳаётида унутилмас тарихий кун, катта тантана.

Бугун халқимизнинг улғу байрами - Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини нишонламоқдамиз.

Мен мана шу юксак минбардан туриб, сиз азизларни, шу муқаддас заминда яшайётган барча-барча юртдошларимизни ушбу қутлуг айём билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган хорижий меҳмонларимиз, дипломатик корпус ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам шу буюк сана билан қутлашдан бахтиёрман.

Хурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимиз ўн икки ёшга тўлмоқда, таъбир жоиз бўлса, ўзининг мучал тўйини нишонламоқда. Яъни, Шарқда азалдан хосиятли, деб ҳисобланган навқирон ёшга тўлмоқда.

Ўн икки йил, бир қараганда, ҳар қайси мамлакат ва давлат учун, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга, юксак тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш учун, ҳақиқатан ҳам, тарихий ғалабаларга эришган давр бўлди.

Лекин шу давр мобайнида ўз она юртимиз - Ўзбекистонимизда янги ҳаёт, янги жамият, демократик давлат барпо этиш йўлида, ўзигимизни англаш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклашда, бир сўз билан айтганда, ўзимиз учун, фарзандларимиз учун ҳеч қандай кам бўлмаган ҳаёт пойдеворини қуришда бу давр, шак-шубҳасиз, асрлар давомида босиб ўтган масофага тенг бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу йўлда қанча-қанча суронли ва тўфонли кунларни, машаққатли, оғир синовларни бошимиздан кечириб, ўта ҳавfli ва таҳликали вазиятларда эл-юртимизни омон сақлаб, бу кунларга етиб келиш насиб этгани учун Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Бугун биз амалга оширган улкан ишларимизга яқин ясаб, узоқ ва яқин-атрофимиздаги ҳудудларда рўй берётган воқеа-ҳодисалардан сабоқ ва хулоса чиқаришимиз, аввало нақадар нотинч ва мураккаб дунёда яшайётганимизни чуқур англаб олишимиз, буюк мақсадларимизга эришиш учун ҳушёр ва сезгир бўлиб, азму шижоат билан ўз танлаган йўлимизни давом эттиришимиз зарур.

Бугун эл-юртимизнинг ният ва орзулари, интилиш ва ҳаракатлари, ўз олдига қатъий қилиб қўйган мақсадлари аниқ ва равшан. У ҳам бўлса:

- она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро товулишни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни останаимизга мутлақо яқин йўлатмаслик;

- ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бепарволик ва лоқайдликдан воз кечиб, замон шиддати олдига бўш келмасдан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда бошлаган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва охирига етказиш;



рига етказиш;

- жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоханг бўлиб, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, демократик қадриятларини ҳаётимизда қарор топтириш, бу борада эски тузумдан қолган асорат ва ёндашувларга бутунлай барҳам бериш, бунинг учун мустақкам ҳуқуқий ва амалий замин яратиш;

- буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, фарзандларимизни етук инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарсага аямаслик - давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий устувор вазифаси бўлиб қолиши айниқса муҳимдир;

- мен мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, уларни ёнимизда юрган пайтларда қадрлаш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий фаризалари барчамизга ҳамisha ҳамроҳ бўлишини истардим.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда қалбимдаги эзгу ҳис-туйғуларни изҳор этгани билан, аввал айтган бир фикримни яна тақрорламоқчиман:

Азиз дўстлар!

Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яқкаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улғу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мана шу мунаввар оқшомида сиз, мухтарам юртдошларимиз, олижаноб ва бунёдкор халқимизни истиқлолимизнинг ўн икки йиллик қутлуг айёми билан яна бир бор табриқлайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Тонг отди. Бу тонг бошқа тонгларга ўхшамайди. Истиқлол тонги бу...

...Хали кўздан уйқуси ўчмаган қизалоқ шошиб ўрнидан турди-да, стол устидаги китобларига тикилди. Авайлаб «Алифбе»сини арақлади. У хали ўқишни билмайди. Аммо мана бу байроқ Ўзбекистон байроғи эканини, Ҳумо қуши тасвири туширилган мана бу талғам Герб деб аталишини, юзидан нур ёғилиб турган мана бу киши Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов эканини яхши билди. Қизалоқ боғчада ўрганган қўшигини хиргойи қилади: Серқўёш хур ўлкам, элга бахт нажот...

«Мустақиллигимиз абадий бўлсин!» дея ҳайқиради болакай. У ушбу эзгу тилани бундан ўн икки йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали равишда изҳор этганини билмайди. У ҳозирча тарихий адолат қарор топганини, ўзбек деган миллат ўзининг асрий орзусига эришганини, тили, дини, урф-одатлари кадр топганини, ўн икки йилдан буюн Ватанимиз озод, юртимиз обод, кўнглимиз шод эканини англамайди...

Кўёш бугун Мустақиллик майдонига тушади. Тонг қадар шуълаланиб, нур сочиб туради. Бугун Тошкентнинг ҳамма кўчалари

Мустақиллик майдонига элтади. Ўзбекистон энг катта байрами шу ердан бошланади ва қанот қоқиб бутун юрт узра парвоз айлантирилади. Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезаётган бу саррин ел энг чекка қишлоқдаги хонадонларга-ча кириб боради. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар оқими ўша шуъла томон, МУСТАҚИЛЛИК ҚУЁШИ томон интилади. Ўзбекистон байрамлари кўп, тўйи кўп, яхши кунлари кўп. Аммо у шу кунни - Мустақиллик кунини интизорлик билан кутади.

Биз бугундан гапирганда эртани ўйлайдиган, эртдан сўзлаганда кечани унутмайдиган миллатмиз.

Шоён кунларимиздан масдур бўлганимизда қоронғу тунларимизни эслаймиз ва ёруғ кунларга етказганига шуқур қиламиз. Истиқлол истиқбол эканини, истиқлол масъулият эканини яхши биламиз. Яшаш масъулияти, Ватанга садоқат, соғлом авлодни вояга етказиш, ота-боболар меросини асраш, юртни обод қилиш масъулияти.

Мустақиллигининг ҳар бир йили асрларга тенг. Ўтган ўн икки йил ичида биз оламшумул ютуқларга эришдик. Иқтисодий ва маданий мустақамлаш, миллий давлатчиликни қарор топтирдик, фуқаролар онгидан улкан ўзгаришлар юз берди, янги таваққуф шаклланди, миллий меросимизни, ўнлаб буюк аждодларимизнинг номи ва шуҳратини, азалий удувларимиз ва анъаналаримизни қайта тикладик.

Ўтган йилларда эришилган ютуқларни санаб адоғига етолмаймиз. Юртимиз жаҳонга юз тутганидан гапирайликми, ўзбек фарзандлари дунёнинг нуфузли олий ўқув юртурларида таълим олаётгани-ю, жаҳон спорт майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтарайтиганидан сўзлайликми? Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига арамийди деб камситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноати пайдо бўлганини айтиликми! Энг чекка қишлоқларимизга ҳам саноат кириб бораётгани, юзлаб қўшма корхоналар ташкил этилгани, кичик корхоналарнинг эса сон-саногий йўқлиги ҳақида гапирайликми?

Бир пайтлар «хомашё базаси» деб аталган Ўзбекистонда эндиликда оғир ва енгил саноат, автомобилсозлик ва машинасозлик, самолётсозлик, қончилик, нефть-газ, қайта ишлаш саноатида катта ютуқлар қўлга киритилаётганини бутун дунё биледи. Нефть, галла мустақиллигига эришдик. Барқарор ривожланиш пойдевори яратилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги шошилинч тез тизбрий ёрдам илмий марказлари тизимининг ташкил этилиши жаҳон тажри-

да эътироф этилди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури эса узлуқсиз таълимнинг, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини малакали мутахассислар билан таъминлашнинг ўзбек модели сифатида шуҳрат қозонди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳақида гапирмасликнинг эса илоҳий йўқ. Салкам бир аср мобайнида ўз ери, ўз мулки бўлмаган ўзбек дехқонининг кўкрагига шамол теғди. «Фермер» деган тушунча уни мулкдорга айлантирди, онгидан янгиликларни олиб чиқариш ясади. Одамларнинг мулкка, меҳнатга муносабати ўзгарди.

Улғу байрам кунини мамлакатимиз галлакорлари эришган улкан ютуқлар ҳақида эсламасак, уларга тасаннолар айтмасак бўлмас. Улар мамлакатимиз тарихида энг улкан хирмонни яратди - галламиз олти миллион тоннага яқинлашиб қолди.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи кун сайин ортиб бораётган. Бунинг боиси мамлакатимизнинг дунёдаги деярли барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида самарали ҳамкорликни тобора ривожлантираётгани, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва ҳавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ устуворлиги каби таямийларга тўла амал қилаётганидир.

АҚШ ва Япониядек қудратли давлатлар билан стратегик шериклик расмийлаштирилгани, бошқача айтганда, Мағриб ва Машриқда қиёматли дўстлар, ишончли ҳамкорларга эга бўлганимиз ташқи сиёсатимиздаги улкан ғалаба саналади...

(Давоми 2-бетда)

ХУШ ҚОЛ, КЎҲНА ЗАМИН, ШАРҚ ТАРОНАСИ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва рўйи-замин сайқали - кўҳна Самарқандда олти кун давом этган «Шарқ тароналари» туртинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди.

Шу кунлар мобайнида Регистон майдонида, «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик», «Сўғдиёна» истироҳат боғлари саҳнасида, Урганч, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом туманларида Шарқ мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари минглаб мухлислар қалбини ром этди. Фестивал танловига тақдир этилган куй ва қўшиқларни самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари қизгин олкишлаб турди. Австрия, Арманистон, Афғонистон, Буюк Британия, Бангладеш, Германия, Греция, Грузия, Озарбайжон, Италия, Испания, Индонезия, Исроил, Латвия, Литва, Россия, Руминия, Туркия, Украина, Хитой, Хиндистон, Эрон, Эстония, Япония, Жанубий Корея, Миср, Саудия Арабистони, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон каби қирққа яқин мамлакат вакиллари ҳам шаклан, ҳам мазмуни рағ-баранг тароналар, ўзларига-да тушунилган тилда қўшиқлар ижро этсалар-да, уларнинг ҳар бирида чин инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари акс этиб турди.

Регистон майдони 30 август кунини фестивал қатнашчилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа ихлосмандлари билан янада гавҳумлашди. Шу кун оқшом халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросими бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодийотида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди қуйидаги тахрирда берилсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар киряди:

корлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улғуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар; қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бер-

риш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, меҳел саноати ва қурилиш материаллари саноати - 100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари - 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (сугурта компаниялари, ҳудудий қўшиқлар, умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар - 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.»

2. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йил 1 январдан мазкур Фармонининг 1-бандида кўрсатиб ўтилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари татбиқ этилади;

микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сони аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

(Давоми 3-бетда)

31 август тонгиде Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи янада гавҳум бўлди. Мустақиллик йўлида жон фидо этган, мустақил тузум қурбонлари бўлган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун бир гуруҳ юртдошларимиз бу ерга келди. Барчанинг қалбиде шаҳидлар хотирасига ҳурмат, эришган қутлуг кунларимизга шукроналик туйғуси муҳассас. Мустақиллик кунини байрами арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш билан нафақат ўтганимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаймиз.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Катагон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.

Бу ерда шаҳидлар ҳақида Қуръон тиловат қилинди.

Хар бир нафлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдига қўлдан-қўл муҳим масалалар пайдо бўлади, - деди давлатимиз раҳбари. - Шундай эзгу ишлардан бири бугунги қутлуг кунларга эришишимизга муносиб ҳисса қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш бўлмоғи керак. Элимиз содқлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёднинг доимо эсда тутоғимиз даркор.

Мустақиллик жафосини қўрган киши мустақиллик қад-



рини, айниқса, теранроқ англайди. Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ марказдан юборилган «десантчилар» тўдаси халқимиз бошига на кунларни солганини бу ерга йирилганларнинг қўнчилиги қўрган, бевосита гувоҳ бўлган.

(Давоми 2-бетда)

МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ



(Боши 1-бетда)
Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз, деди Ислоҳ Каримов. Бугунгидек кутлуг кунларда Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида келиб, қатагон қурбонларини зиёрат этиш кишининг руҳини янада поқлайди. Узлигини англамаган халқ ўз қадрига ҳам ет-

майди. Шунинг учун бугунги авлод-аждодлар меросидан фақат фахрлиниши эмас, балки уни ривожлантириши ҳам зарур. Ушанда биз халқимизнинг улуг инсонлари олдидаги фарзандлик қарзимизни узган бўламиз. Шу боис ёшларимиз қалбига бугунги ҳаёт ҳақиқатини тўла сингдиришимиз керак. Узлигини, аждодлари қимлигини теран англаган ёшлар

ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсирига тушмайди. Фикри тоза бўлади, эл-юрт ва унинг тинчлиги, фаровонлиги учун маъсулликни ҳис қилиб яшайди. Истиклол йилларида қўл эзгу, улуг ишларни амалга оширдик ва оширмақдамиз. Ҳар бир фуқаро бу жараёнда фақат томошабин эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак. Фарзандларимиз-

нинг яхши яшаши учун ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиши лозим, деди Ислоҳ Каримов. Давлатимиз раҳбари суҳбат чоғида Қатагон қурбонлари хотираси музейида турли анжуманлар ўтказиш, ёшлар, ўқувчилар учун ҳар хил учрашувлар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади. **Анвар КАРИМОВ, ЎЗА муҳбири**

(Боши 1-бетда)

Бугун Тошкентнинг барча кўчалари Мустақиллик майдонига элтади. Шафқ ол рангда товланади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар томон ошиқади.

Хукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қҳрамонлари, маданият ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчионалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, энг улуг ва энг азиз байрамимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар амфитеатр сахнидан жой олди.

31 август. Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кириб келади. Байрам тадбирига ташриф буюрганлар Юртбошимизни қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусикаси янграб, байрам бошланаётганидан дарак беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов минбарга тақлиф этилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги муносабати билан ушбу майдонга йилгиланларни ва бутун Ўзбекистон халқини муносабат беради.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Тик турганича, ўн қўлини қўқисига қўйиб унга жўр бўлаётган ватандошларимиз юрагини ортилиб қиқаётган садолар бутун дунёга таралаётгандек. Аслида ҳам шундай. Миллий байрамимиз тантаналарини эллиқдан ортиқ мамлакат аҳли бевосита томоша қилади. Шунингдек, Интернет тармоғи орқали у

син! Бир қўшиқ бер, мазий оёққа турсин! Бир қўшиқ бер, дўст қалбига ёғду, ганим юрагига қутку солсин!» дея илтижо қилган халқнинг Ватан ҳақида кўшиғи бошланади. Қалбларга титроқ, кўзларга халқа-халқа мунчоқ солади бу қўшиқ! **Сен ҳеч кимдан кам эмассан, пахлавон, шавкатли халқ!**

Шундай ҳаяжонли пайтда ҳаёл олиб қочади. Фаҳраҳаҳш дақиқаларда босиб ўтган йўлларимизга назар ташлагиси, қўқрак кериб, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан гурунлангиси келади кишининг.

Байрам бошланди. Ўзбекистон яловбардор ўғлонлари майдонга кириб келади. Чарх ураётган парирўй қизлар рақси эса юракларни сел қилаётган

ри - «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» иштирокчилари ва голиблари кириб келади. Улар сафида мамлакатимиз шухратини оламга ёйган машҳур спортчилар - Ўзбекистон ифтихорлари бор.

Мустақилликнинг илк кунлариданқ Юртбошимиз эш авлодини баркамол, соғлом қилиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги навбатдаги дадил қадамдир. «Болалар спорти» деган янги атама пайдо бўлди. Президентимиз болани спортга ошно этиш, уни жишонман тайёрлаш алоҳида бир жараён ташкил қилишга алоҳида эътибор қараш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Бугун юрти-

ган дўстларимиз биз билан бирга, мана, ёнимизда қувончимизга шерик бўлиб ўтирибди. Ютуқларимизни кўронтимиз шухратини оламга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги навбатдаги дадил қадамдир. «Болалар спорти» деган янги атама пайдо бўлди. Президентимиз болани спортга ошно этиш, уни жишонман тайёрлаш алоҳида бир жараён ташкил қилишга алоҳида эътибор қараш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Бугун юрти-

Байроғимиздаги ўн икки юлдуз - ўн икки вилоят улкан сахнада балқийди. Бағри кенг дийр наволари янграйди - ҳар бирининг ўз сози, ўз овози бор. Уларнинг чиқилларини томоша қила туриб, яна ҳаёл яқин ўтган кунларга кетади.

Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Истиклолнинг дастлабки йилларида пойтахтда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари аста-секин вилоятларга кўчди. Бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб қурилиш ишлари давом этмоқда. Янги-янги коллежлар, академик лицейлар, мактаблар, шифонахалар, йўллар, кўприқлар бунёд этилди ва этилмоқда.

Президентимиз мустақиллигимизнинг ўн иккинчи йилини Обод маҳалла йили деб элон қилди. Маҳалла тинч - юрт тинч, маҳалла обод - юрт обод, дейди халқимиз. Олиб борилаётган сиёсатимизнинг ютуғи шундаки, миллий ва замонавий аъёнлар уйғунлашиб, фақат ўзимизга ҳос бўлган бир тизим яратилди. Халқимиз қадимдан маҳаллаларда яшган. Маҳалла, миллий аъёнлар сақланган оҳида, замонавий бошқарув тизимига айланди. Маҳалла биз - ҳаммамиз. Маҳаллани ободонлаштиришни - кўнглимизни обод қилишдан бошладик. Қалбимизда ўз меҳнатимиз билан гуллаб-яшнаётган жойга - юртимизнинг бир бўлагига, Ватанимизга муҳаббат қарор топди.

Бош майдонимиздаги байрам дастури шунчаки томоша эмас. Бу улкан сахнада ўзбекининг ўтмиши, бугуни, келажиги, асрий орзулари таранун этилмоқда. Ҳар бир куй, ҳар бир қўшиқ ўн икки йилда эришилган ютуқлардан сўзламоқда.

Майдон узра юрт наволари янграйди. Эстрада санъати юлдузларининг жонфизо қўшиқларига аҳли майдон жўр бўлади. Истиклол - Истикбол, дея қўйлайди осмон, юлдузлар, азим чинорлар, бутун шаҳар, бутун юрт!

Мусика садолари қўзларни қамаштиргучи мушаклар жилосида янада жозибалироқ, янада шуқуҳлироқ эшитилади. Мамлакатимизнинг бош майдонида ана шундай авж пардаларда кечган байрам тантаналари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ёйилади.

Истиклолнинг муборак, муқаддас юрти! **Воҳид ЛУҚМОН, ЎЗА шарҳловчиси**



оҳанглар қанотида парвоз қилади. Осмонга мингминглаб шарлар учтирилади.


Бу дунёда бола қийқирғидан кўра жозибалироқ товуш борми!? Болалар айрасин, болалар кулсин, еру кўкни қопласин шўх овозлари! «Болалар - юрт эртаси» - анъанага кўра жажжи болажонларимиз бошлаб берган байрам томошаси ана шундай номланади. Соғлом авлодни - фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук ва қомил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга келажакимиз эгалари деб қараш Ватан ва халқ истиқболининг бош

мизнинг барча шаҳар ва туманларида, маҳалла ва қишлоқларида болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширишмоқда.

Бир-бирига заңжирдек боғланган мусиканинг кейинги халқаси - қудратли марш садолари янграйди. Майдонга ўзбекининг мард ўғлонлари - ҳарбийлар кириб келади. «Тинчлик гаровидир юрт посбонлари», деб номланган бу қисмда барча қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар Ватанин мадҳ айлаб, Қуроли Қўчларимиз қудратини намойиш этади. Уларга қараб дилларда ифтихор уйғонади, Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда эканига амин бўлади киши.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз Қуроли Қўчлари салоҳиятини, қудрати ва нуфузини янада оширди. Ўшларимиз қалбиде ҳарбийликка муҳаббат уйғонди. Шўро даврида турли баҳоналар билан армиядан қолтишга, хизмат жойини ташлаб кетишга ҳаракат қилган ёшлар бугун саф-саф бўлиб ҳарбийга отланмоқда.

Ҳа, ўн икки йил тарих олдида бир лаҳза. Аслида ўтган ҳар бир йил бир асрга тенг. Тўғрироғи, биз уни асрга тенглаштирдик. Асрлар давомида эришилган ютуқларга оғилар, йилларда эришдик. Ҳар бир кунимизни тарих зарҳаракларига зарҳал харфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлдик. Зеро, мана шундай шоду хуррамлик билан Мустақиллик кунини нишонлаётганимизнинг ўзбек танлаган йўлимиз тўғрилиқидан, Ватанимиз келажиги буюқлиқидан далолатдир. Бизни қўллаб-қувватлаб тур-



дунёнинг энг чекка нуқталаригача кириб боради. Ҳа, Ўзбекистон Маҳдҳияси дунё бўйлаб жарангламоқда. У ўзбек тилининг гўзаллиқидан, ўзбекининг саховатидан, тантилиқидан, ўзбек табиатидан дунёни воқиф этади.

Пойтахт осмонида минглаб юлдузлар порлайди. Митти кометалар янглиғ учаётган бу юлдузлар жилоси, оловли мажнунтолар - мушаклар ёғдуси майдон аҳлини бир дам сеҳрлаб қўяди. Қалбларда отилган ҳайрат мушаклари қийқирқ бўлиб осмонга ўрлайди. Миноралардаги саноксиз чироқлар нурида ўн икки рақами пайдо бўлади.

Ўн икки! Бир йилда ойлар миқдори, Ўн икки соатдан кечаю кундуз. Ўн икки йил эрур бир муҷал бори, Байроғим узра ҳам ўн икки юлдуз.

Ўн икки бор отилган замбараклар садоси Ўзбекининг энг улуг ва энг азиз байрами бошланганидан бутун дунёга жар солади. Улкан сахнада театрлаштирилган томоша бошланади.

Энг гўзал шеър Ватан ҳақидаги шеърдир. Энг жозибали қўшиқ Ватан ҳақидаги қўшиқдир. Салкам бир аср «Бир қўшиқ бер, мудроқ қалбларни гафлат уйқусидан уйғот-



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга, Ўзбекистон хукумати ва халқига гоят самимий қутловларимни йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаётида муҳим палла бошланди. Биз Мингйиллик декларациясида мустақамланган тинчлик ва тараққиёт дастурини амалда рўйбга чиқариш учун вақтин бой бермаслигимиз зарур. Модомики, биз фарзандларимизга чекланмиш дунёсини эмас, балки имкониятлар дунёсини қолдиришни истар эканмиз, халқаро ҳамжамият қашшоқликдан экологик булғанишгача, ОИТСдан қуроли мижорлар ва терроризмгача бўлган муаммоларни ҳал этишда саъй-ҳаракатларини икки қарра кучайтириши лозим.

Биз бир-биримизни бирлаштириб турган муштарак мақсадларни амалга ошириш йўлида кўпроқ ишлашимиз зарур. Бунинг учун биз умумий ҳуқф-хатар ва инсоният пароканда қилишга уринаётган кучлар билан курашда ўзимизнинг қўшма имкониятларимиздан фойдалана оламиз. Шунини кайд этиб ўтиш қувонарлики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мана шу олжаноб жажоншумул миссияни аво этар экан, Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлашига, содиқлик ва пешқадамликни давом эттиришига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этайгайсиз.

Кофи АННАН, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрам муносабати билан имкониятдан фойдаланиб, Сизга Италия халқи ва шаҳсан ўз номидан Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам равақ топишни тилаб билдирган энг эзгу истақларимни йўлламан.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланади, деб ишонч билдираман ва Сизга омонлик тилайман.

Карло Адзельо ЧАМПИ, Италия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Дўст ўзбек халқи ўзининг Миллий байрамини нишонлаётган бир пайтда Сиз, Жаноби Олийларига Жазоир халқи ва хукумати номидан ҳамда шаҳсан ўз номидан қизғин табриқларимни йўллаш мени қувонтирмоқда.

Ушбу қўлай имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлида Сиз билан биргаликда меҳнат қилишга тайёр эканлигимизга Сизни яна бир бор ишонтирмоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга бахт ва сийҳат-саломатлик, дўст ўзбек халқига эса фаровонлик ва тинчлик тилаб билдирган истақларимни изҳор этиб, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этишингизни сўрайман.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон халқи ўзининг Миллий байрамини нишонлаётган чоғида Афғонистон халқи ва ўз номидан самимий табриқларни Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига йўллашдан жуда ҳам бахтиёрман.

Афғонистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида яхши ниятлар, ўзаро ҳурмат ва икки мамлакат манфаатлари асосида йўлга қўйилган ҳамда дунё тинчлигига хизмат қилаётган дўстона алоқаларининг кун сайин ривожланиб бораётганидан гоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда дўст ва биродар Ўзбекистон давлатига янада улкан муваффақиятлар тилаш менинг энг эзгу истагимдир.

Ҳамид КАРЗАЙ, Афғонистон Ўтиш Ислоҳ Давлатининг Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг 12 йиллиги муносабати билан Вьетнам халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизга, Президент Жаноблари ҳамда ўзбек халқига гоят самимий ва энг эзгу қутловлар йўлламан.

Мен шунга чуқур ишонаманки, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар ҳамда қўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик узлуқсиз мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади.

Сизнинг раҳбарлигингизда ўзбек халқига мамлакатни барпо этиш ишида равақ ва омонлик тилайман.

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва юксак маъсулиятли лавозимингиздаги фаолиятингизда янги-янги катта муваффақиятлар тилайман.

Чан Дик ЛИОНГ, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Миллий байрам кунингиз муносабати билан Корея Республикаси хукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий қутловларимни изҳор қилиш мени гоят хушнуд этади.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришда олға томон дадил силжиш бўлганини мамнуният билан қайд этиб, ушбу муносабатлар бундан буён ҳам узоқ йиллар мобайнида икки мамлакат фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб бораверишига ишончим қомил эканлигини изҳор қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, буюқ мамлакатингизга эса равақ тилаб билдирган энг эзгу истақларимни қабул қилгайсиз.

Но Му-ХЁН, Корея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига кирувчи рўйхатга олинган корхоналарнинг аниқ таснифини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандининг бешинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармони иловасининг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон бандларига мувофиқлаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 30 август

ХУШ ҚОЛ, КЎҲНА ЗАМИН, ШАРҚ ТАРОНАСИ!

(Боши 1-бетда)


Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивали ғолиблари ва совриндорлари эълон қилинди. Ҳакамлар ҳайъати Тува республикасининг (Россия) «Уранхай» миллий ансамблини Гран-при - фестивалнинг энг олий совринига муносиб деб топди. Биринчи мукофот билан Дилнора Мирзақулова (Ўзбекистон) ва Фозил Жамшидий (Эрон) тақдирланди. Иккинчи мукофот тожикистонлик Озода Ашурова ҳамда озарбайжонлик Зобит Набизодага насиб этди. Афғонистонлик ва бангладешлик санъаткорлар фестивалнинг учинчи мукофоти билан тақдирланди. ЮНЕСКОнинг махсус совринлари ҳиндистонлик ва исроиллик санъаткорларга ҳамда ўзбекистонлик созанда Абдуҳошим Исмоиловга берилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, фестивал ҳакамлар ҳайъати раиси Ким Шин Ван, ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолий ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн топширди.

Фестивалнинг ҳар бир кунини унутилмас учрашув ва мулоқотлар билан кечди. Хорижлик меҳмонлар вилоят туманларида бўлиб,



мусиқа ихлосмандлари билан дилдан суҳбатлашди. Халқимизнинг турмуши, урф-одатлари, анъана ва маросимлари билан қизиқди. Самарқанднинг қутлуғ қадимжолари - Улғубек расадхонаси, Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир ёдгорликларини ҳайрат билан томоша қилди. Энг муҳими, улар истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар билан танишди. Бағри кенг ўзбек халқининг, улғу ўтмиши, юксак маданияти, маънавий камо-



лотидан воқиф бўлди. «Шарқ тароналари» мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, халқимизнинг бой маънавияти ва санъатига дунё халқларининг, хусусан, санъат аҳлининг юксак эҳтироми ифода-сидир. Фестивал боис дунё Шарқ маданиятидан, ўзбек санъатининг улғувор анъаналаридан янада кенгрок бохабар бўлди.

Фестивал байроғи туширилди. Халқаро мусиқа байрамининг ишти-

рокчилари икки йилдан сўнг яна шу ерда, мафтункор Самарқандда учрашмоқ ниятида хайрлашдилар.

Муслик анжуманининг ёпилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Акбар ҚАРШИЕВ, ЎЗА мухбирлари

Ислоҳот одимлари

ИСТАК БЎЛСА, ИМКОНИАТ БИСЁР

Жомбой туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раҳбарияти ва қасаба уюшма ташкилати фаоллари Президентимизнинг «Ислоҳотлар инсон манфаати учун» деган иборасининг мазмунини терең англаб, уни рўёбга чиқаришга интилишмоқда. Ва шу жараёнда бошқариш-бошқич мақсадга эришаётганлар ҳам.

Ўтган йили хўжалик деҳқонлари барча соҳалар бўйича шартномавий режаларини ошириб бажаришди. Бу йил ҳам галла, пилладан мўл ҳосил етиштирилди. Пахтачиликда ҳам натижа ёмон эмас. Биз хўжалик фаолиятини баҳолашда кўпинча иқтисодий кўрсаткичларга таянаемиз. Лекин бунда меҳнаткашлар манфаатдорлиги асосий мезон бўлиши керак.

Президентимиз Бухоро ва Қашқадарь вилоятларида бўлганларида шуни қайта-қайта таъкидладилар, - дейди хўжалик раиси Саъдулла Боймуродов.

Бир неча йиллар давомида биз ҳам фақат кўрсаткичлар юқори бўлишига интилаверган эканмиз. Нотўғри йўл тутганимизни тан олишимиз керак. Ўтган йили қийин вазиятдан чиқиб олдик. Маҳсулот

етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган, биринчи галда меҳнатга ҳақ тўлаш масаласини ҳал қилдик. Ўтган йили иш ҳақи 32 миллион сўм нақд пул, 66 миллион сўмлик маҳсулот берилди. Бу йилги галла ҳосили ҳисобидан иш ҳақидан қарздорликка деярли чек қўйилди. Бундан ташқари, ўтган йил якуни бўйича дивидент тўланди. Манфаатдорлик ошиши деҳқонларнинг меҳнат унумдорлигини ошираётти.

Ҳақиқатан, хўжаликда бултур 3669 тонна галла етиштирилган бўлса, бу йил бирмон салмоғи 4200 тоннага етди. Бошқа соҳаларда ҳам ўсиш кузатилмоқда. Олинган даромад ҳисобидан янги техникалар сотиб олинди, хўжаликда спорт комплекси, спорт зали қурилди.

Бундан ҳам кўпроқ ишларни амалга ошириш, ижтимоий соҳани

янада ривожлантириш мумкин, - дея суҳбатга қўшилди қасабақўм раиси Ш.Бердиқулов. «Жомбойдон» ҳиссдорлик жамияти ҳосил пулини ҳали тўлиқ тўлаб бўлгани йўқ. «Жомбойпилла» корхонаси эса икки йилдан бери маҳсулот учун ҳақ тўламаяпти. Шунга қарамай, хўжалик бошқаруви кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам бераётти. Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ҳамда бошқа тадбирларга жамоа шартномасида белгиланган миқдорда маблағ ажратаяпти.

Хўжалик пудратчиси С.Усманов, механик Т.Холжигитов жамоа аъзоларининг фикрини ифодалаб, ислоҳотлар натижасини ҳис қилишгаётганини, меҳнат қилган деҳқон манфаат кўраётганини айтишди. Энг муҳими, ўз вақтида меҳнатга ҳақ ва дивидент тўланапти.

И.РУСТАМБОВ

Истиқлол ва истиқбол

САНОАТЛАШАЁТГАН ХЎЖАЛИК

Энг улғу, энг азиз байрам арафасида давлатимиз раҳбарининг Бухорога сафари чоғида ноз-неъмат бунёдкорлари билан қилган самимий суҳбатлари, дала меҳнаткашларининг турмуш шароити, қувончу ташвишлари билан яқиндан танишиш барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Ромитан туманидаги «Қалайчорбоғ» хўжалиги бунёдкорлари ҳам янги марралар сари шайланишган. Хўжалик вилоятда тажриба тариқасида биринчилардан бўлиб фермерлар асосида ишлаган ўтанди.

Натижада мулкка эгалик ҳисси кучайди. Изланиш, ички имкониятлардан омиқорлик билан фойдаланишга интилиш, ҳалол рақобат муҳитининг қарор топиши ўз самарасини кўрсата бошлади. Саноятни қишлоққа жалб этиш фермерларнинг дил муддаосига айланди.

Йил бошидан «Қалайчорбоғ» фермерлар уюшмаси агрохизмат корхонасига айлантирилди. Аввалига ширкат, сўнг фермерчилик асосида иш юритиш, энди эса ягона ҳудудий объект сифатида фаолият кўрсатиш барча томонлар учун самарали бўлмоқда.

Агар дастлабки кезлар биргина идора аппаратида 30 киши ишлаган бўлса, эндиликда улар сони беш бараварга калмайд, - дейди агрохизмат корхонаси раҳбари Рустам Норов. Четдан аралашувларсиз муштакли ҳолда меҳнат қилиш жамоа ишига барака бағишлади. Бугунги кунда 400 га яқин қалайчорбоғликлар саноят ишлаб чиқариши билан машғул.

Қувончлиси шуки, муштаклиқимизнинг ўн икки йиллик байрами арафасида хўжаликка қарашли «Аламдор» қишлоғида «Ромсиб» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Тадбиркор Азиз Катаев раҳбарлигидаги «Аламдор» фермер хўжалиги шу хайрли ишга бош бўлди. Отанин ишчан фарзандлари, жияни пиллачилик соҳаси мутахассиси Бешимжон Тилавов «Ромсиб» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасини қай-

тадан шакллантиришда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Уларнинг сай-ҳаракати билан 70 тонна пиллани қайта ишлашга ихтисослашган саноят корхонаси барпо этилди. Ҳозир бу ерда 110 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётти. Пиллачилик дастгоҳлари билан тиллашиб, юқори навли ипак толаси етказиб беришнинг уйдасидан чиқаётган йигит-қизларни кўриб қувонсан, киши.

Бу жойда яна бир цех - пахмоқ сочлик ишлаб чиқармоқда. Демак, «Ромсиб» тамғаси бошилган маҳсулотлар энди на-

лоғидаги тўқимачиликка ихтисослаштирилган «Имиджтексстиль» масъулияти чекланган жамият, музқаймоқ цехини бошқариб келаётган тадбиркор Фибё Мажидов, мактаб ўқувчилари учун ўқув қуроллари ишлаб чиқараётган хусусий тадбиркор Сулаймон Қўзиёв бошчилигидаги ишбилармон жамоалар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин.

У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири

Шу боисдан ҳам якка-ёлғизлардан, кўп болали ва кам таъминланган оила вакилларидан, мактабу боғчалардан саховатимизни аямаяпмиз, - дейди Азиз бобо Катаев.

Тадбиркорларнинг беғараз кўмаги билан қишлоқдаги 20-ўрта мактаб ҳамда «Нилуфар» болалар боғчасига сув қувури тортилиб, тоза ичимлик сув муаммоси ҳал этилди. Зиёратгоҳларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳам катта маблағ сарфланмоқда.

«Қалайчорбоғ» қишлоғидаги тўқимачиликка ихтисослаштирилган «Имиджтексстиль» масъулияти чекланган жамият, музқаймоқ цехини бошқариб келаётган тадбиркор Фибё Мажидов, мактаб ўқувчилари учун ўқув қуроллари ишлаб чиқараётган хусусий тадбиркор Сулаймон Қўзиёв бошчилигидаги ишбилармон жамоалар ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин.

У.НАВРЎЗОВ, «Ишонч» мухбири

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ

Янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан ўқувчи ёшларга қарақли жиҳозлар, дарслик қўлланмалар харид қилишлари учун қўлайлик яратиш мақсадида ҳозирги кунда жойларда мактаб бозорлари ташкил этилган. Жумладан, Ҳамза тумани ҳокимияти ва «Авиасозлар бозори» очик акционерлик жамияти сай-ҳаракати билан 35 ўринга мўлжалланган мавсум учун зарур бўлган ўқув қуроллари, адабиётлар билан савдо қилувчи расталар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, ҳар йили анъанага айланб қолган пойтахт аҳли учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси иш бошлаганига ҳам анча вақт бўлди.

Бозор маъмурияти кўмаги билан Наманган вилояти деҳқон-миришкорлари ўзлари етиштирган ноз-неъматларни туман аҳли дастурхонага тортиқ қилишмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзметасабавотузум-саноят-ҳолдинг» компанияси тизимидаги хўжаликлар, деҳқон-фермер уюшмалари вилоят вакиллари аҳолига сифатли ва арзон 1570 тонна турли хилдаги маҳсулотларни етказиб беришни кўзда тутишган. Айни пайтда ярмаркада Чортоқ, Норин, Учқўрғон туман соҳибкорлари фаол иштирок этмоқда. Айниқса, Поп туманидан келтирилган ноз-неъматлар, чорвачилик маҳсулотларидан харидорлар мангун.

Шу ҳудудда жойлашган Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ходимлари ҳам хизмат кўрсатаёلمиз, - дейди Наманган вилояти ҳокимлиги вакили Обиджон Абдуқоҳоров. - Келтирилаётган ноз-неъматлар бозор нархидан 15-20 фоиз арзонлиги боис, талаб кундан-кун ортиб бормоқда.

Ярмарка иштирокчиларига мутасаддилар томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Сотувчилар савдо расуларини, тош-тарозилар билан таъминланган. Бунда айниқса, туман Савдо Департаменти, ички ишлар ходимлари хизмати катта бўлаётти. Д.ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири

Қасаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

«ШТАТ ҚИСКАРДИ» БАҲОНАСИДА

«Жиззахтранс» уюшмасига қарашли 2517-автожамланмада ишни тўғри ташкил этиш билмаслик, бозор иқтисоди шароитида ўзаро рақобатга дош беролмаслик ва бошқа бир қатор омиллар туфайли сўнгги пайтда бурютмачиларга хизмат кўрсатиш издан чиқди. Иш ҳақми қамбағач, табиийки, корхона иқтисодига путур етди.

Абдуҷалол Нурматов корхонага раҳбар этиб тайинланган, жамоада ўнглини сезилмади. Хатто кўп йиллар корхонада ишлаб, обрў-эътиборга сазовор бўлган ходимлар ҳам «штат қискариди» баҳонаси билан ишдан четлаштирилди.

Корхона бошлигининг буйруғига кўра тўққуз ходимга «ўз ҳисобидан», иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериб юборилди. Бу ўринда улар билан ҳисоблашсини, уларнинг розилигини олишни, қасабақўм билан маслаҳатлашсини ўзига эъ қўрмади. Ачинарлиси шундаки, мажбурий таътил-

га чиқарилганлар орасида йигирма йилдан буён шу корхона қасаба уюшма қўмитаси раиси, механик бўлиб ишлаб келаётган Гаффор Аллаёров ҳам бор эди.

Меҳнат қилишининг ҳақ-ҳўқуқи камситилаётгани ҳақида Ф.Аллаёров раҳбарни оғохантирганида, у пинатини ҳам бузмади. Аксинча, «сен ишимга аралашма, бу ерда мен бошлиқман», дея ўзбошимчилик билан иш тутди.

Шундан сўнг қасабақўм раиси бу ҳақда вилоят қасаба уюшмалари Кенгашига мурожаат қилди. Ҳақли талаб атрафлича ўрганилиб, корхона раҳбарни оғохантириш хати юборилди.

Аммо директор бундан тўғри хулоса чиқармади. Аксинча корхона қасабақўм раисини вази фасидан озод қилди.

Шундан сўнг вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши Ф.Аллаёров манфаатини кўлаб, Жиззах туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра раҳбарнинг ноқонуний буйруқлари бекор қилиниб, Ф.Аллаёров вази фасига тикланди, унинг мажбурий бекор юрган кунлари учун корхона ҳисобидан 106 минг 138 сўм ундириб берилди.

Шу ўринда савол туғилди: қасабақўм раисига етказилган моддий зарар қопланди, лекин маънавий зарарчи? Аслида корхона раҳбари томонидан етказилган маънавий зарарнинг ўрнини пул билан қоплаб бўлармикан? Унинг ноқонуний буйруғидан Ҳ.Ропиев, Б.Қосимов, Т.Жўраев, У.Ропиев, О.Жўраёвнинг сингари ўндан ортиқ ходим ҳам жабр кўришган...

Суднинг ҳал қилув қарори ишлаб чиқаришда сунъий тўсиқ қўйиб, қонунбузилишларни келтириб чиқараётган айрим кимсарларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

КОРХОНА ҚОШИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

«Яккабоғдонмаҳсулотлари» масъулияти чекланган жамияти ўз ютуқлари билан мақтанса арзғулик. Боиси корхона хорижий замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Меҳнат аҳлининг турмуш тарзи кун сайин яхшиланиб бормоқда. Жамият иш фаолияти тобора жонланиб, айни пайтда ишлаб чиқариш марказларидан бирига айланди. Айниқса, иккита уруғлик цехида ишлар ибратли йўлга қўйилган. Ушбу меҳнат жойларида 15 нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилаётти. Улар ўтган йили 19 минг тонна сара уруғлик тайёрладилар. Маҳсулотга нафақат Қашқадарьдан балки Жиззах, Хоразм вилоятларидан келган деҳқон-фермерлар қизиқиши ортмоқда.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг ижтимоий муҳофазаси яхши йўлга қўйилган. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун махсус автотранспорт ажратилган. Зарарли шариҳта ишловчиларга сут-қатик ва бир маҳал бепул тушлик ташкил этилган. Бундан ташқари, илгор ходимларни рағбатлантириш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий кўмак бериш корхона раҳбарияти ва қасаба уюшмасининг доимий диққат эътиборида.

Корхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг

ний дам олиб, хордик чиқаришлари учун иход аҳли, санъаткорлар билан учрашув, концерт кечалари уюштирилмоқда. Корхона қошида соғломлаштириш маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жамият қошида ёрдамчи деҳқон-чорва хўжалиги ташкил этилган бўлиб, меҳнат аҳлини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Бундан ташқари 30 гектар ер майдонига галла экилиб 105 тонна ҳосил омонларга топширилди. 15 гектар майдонга эса чигит қадали, хозирда гўзалар гуркираб турибди. Полза маҳсулотлари, каттагина боғдаги сархил мевалар корхона ишчилари дастурхонини тўкин қилмоқда.

Ш.НОРҚУЛОВА, «Ишонч» мухбири

ЖАҲОНГА СИГМАГАН ШОИР

Насимий номи ёдга олинган экан беҳтиёр: «Манга сифар икки жаҳон, ман бу жаҳона сифама!» деган мисраси хаёдан кечади. Узининг исёнкор шеърлари билан жаҳонга ўт солган бу шоирни бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида билишади, асарларини севиб ўқишади. Мавлоно Лутфий Насимий ижодига юсак баҳо берган бўлса, Алишер Навоий валийлар, йирик тарикат шайхлари ва машҳур сўфийларга бағишланган «Насоим ул-муҳаббат» асарида туркий машоихлар қаторида унга ҳам алоҳида ўрин ажратади: «Сайид Насимий қаддасаллоху руҳахул азиз (Оллох унинг азиз руҳини муқаддас қилсин) Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эркандур. Румий ва туркмоний тил била назм айтадур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур. Мазкур бўлгон ахлига аниқ шеъри муқобаласида ҳамноқи шеър йўқдур. Ҳамоно тақдид ахли анинг мазҳабиде қусур тухматига муттаҳам қилиб, шахид қилдилар. Машҳур мундоқдурки, терисини сўяр хум бўлибдур. Ул ҳолатда бу шеърни дебурки:

**Кибладур юзунг, ниғоро,
қошларинг меҳроблар,
Суратинг мусҳаф вале холу
хатинг эъроблар.**

ва бу шеърнинг тахаллуси ушбу муддаога долдурким:

**Эй Насимий, чун муяссар бўлди
иқболи висол,
Кўй, терингни сўйса сўйсин бу
палид қассоблар.**

Уз таъбири билан айтганда, «сўзинг додани берган» исёнкор ва ҳассос шоир Насимий илк бор озарбайжон тилида ижод қилгани, адабий тилини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиргани билан озарбайжон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. У Хасан ўғли ва Қози Бурхониддиндан кейин озарбайжон тилида яратилган шеърининг буюқ устодларидандир.

Сайид Имомиддин Насимий 1370 йили Ширван вилоятининг Шамоҳи шаҳрида туғилган. Асли исми Али, лақаби Имомиддин. У ўз даврига нисбатан мукаммал таҳсил кўрган. Форс, араб тиллари ва адабиётларини чуқур ўрганган. Бундан ташқари, мантқ, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирган. Шаҳар меҳнат ва санъат ахли муҳитида унинг ўсган ва бу шоир дунёқарши шаклланишига ўз таъсирини ўтказган.

Маълумки, Шарқнинг Фаридиддин Аттот, Бобороҳим Машраб каби оташнафас, исёнкор шоирлари машҳур сўфий ва авлиё Мансур Халлоҷга кучли эътиқод қўйиб, уларнинг унинг ҳароратли шогирди ҳисобланганлар. Насимий учун ҳам Мансур - илоҳий ишқ ошиғи, ўз эътиқодига собиқлик тилмоли. Шунинг учун ҳам шоир илк шеърларини Хусайин тахаллуси билан ёзди. Чунки Мансурнинг исми Хусайн бўлиб, унинг тарикати ҳам хусайния ёки халлоҷия номи билан машҳурдир. Насимийнинг Мансурга эътиқоди умрининг охиригача сўнган эмас, уни ишқ йўлида раҳнамо билиб, шеърларида ҳаминша оташин муҳаббат билан тасвирлайди:

**Чун бақосиздур жаҳоннинг молу
мулки неъмату,
Давлати Мансура ёпиш, иста
умри пойдор.**

Насимий Қатрон Табризий, Саъдий, Низомий, Ҳоконий ва Авҳадуддин каби устод шоирлар шеърларини кўп мутабола қилди. Кейинчалик у ўзининг ишқий сатрлари хатто ғазал устоди Саъдийни

хам тўқинлантиришга қодирлиги ҳақида фахр билан ёзган эди:

**Чун шуурга келиб, ишқ сўзини
дерса Насимий,
Завқиндан унинг жўшга келур
Саъдийи Шероз.**

XIV асрда Озарбайжон тасаввуфидан ўсиб чиққан хуруфийлик деган оқим кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутди: инсон, унинг эрки улуғланиди, инсонга илоҳий қувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қаралади.

Хуруфийлик тарикатининг асосчиси, машҳур шоир ва мутафаккир шайх Фазуллох Наимий 1394 йили Ширвонга келади ва Насимий билан учрашади. Унинг хуруфийлик қарашлари Насимийга кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазуллохни ўзига пир билади. Наимийга ҳамоҳанг Насимий тахаллусини олади.

Шу йили илгор фикри кишилар таъкиб остига олиниб, Фазуллох қатл этилади. Ҳам ўзини қутқариш, ҳам хуруфийлик гоъларини ёйиш мақсадида Насимий Озарбайжондан чиқиб кетади. Бағдодда, Онадўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшади, охири Халабда қарор топади. Миср султони Муъйяддин Насимийни даҳрийликда айблаб, қатл этишга буйруқ беради - 1447 йили унинг тириклайин терисини шилишади.

Насимий ўз фикр-уйлари, туйғу-кечинмаларини халқона содда услубда баён қилади. Шунинг учун ҳам, унинг шеърлари кўнгилга яқин. Шоир шеърлари бир қарашда оддий, содда бўлиб кўринса-да, лекин мазмун чукчур:

**Ул гул жамолинга гар саҳдамиз
гуноҳ бўлса,
Фақиҳга сўзлаки, бундан бўлак
гуноҳим йўқ...**

**Насимий қайси томонга боқса,
суратинг кўражақ,
Жаҳонда ўзгасини кўргали
ниғоҳим йўқ.**

Ишқ ўти ошқини гоҳ ёндирди, гоҳ йиғлатади. Аслида ўт ва сув бир-бирига зид. Бинобарин, ишқ ҳам кўнгилда ана шундай қарама-қарши туйғулар пайдо қилади. Бу ҳолни Насимий мана бундай образли мисраларда ифодалайди:

**Ишқ ўти туташди шаъминг
жонина кўрким, неча
Ҳам ёнар, ҳам кўзларидан оқизар
селеблар.**


Алишер Навоий «Холоти Пахлавон Муҳаммад» асарида: «Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир ахли шуаросидек назм айтмайду, балки ҳақиқат тарихини адо қилибдур», деб ёзди. Дарҳақиқат, шоир ўз шеърларида кўпроқ илоҳий маҳбубани ёниб қуйлади, ўзи мансуб хуруфийлик гоъларини улуғлади. Жумладан, тасаввуф фалсафасига кўра инсон ибтидода Парвардигори билан бир бўлган-у, тугилиб ундан айру тушган. Насимийнинг қуйидаги байти шу хусусда:

**Ер билан кўк бино бўлмасдан
аввал,
Насимий ошиқ эди ул жамола.**

Латифий 1546 йили ёзилган «Машҳур уш-шуаро» тазкирасида Насимийни «ишқ майдонининг сарбози ва муҳаббат қабасининг фидойисин», деб таърифлайди. Кўпрулузода Насимийнинг ваҳду сўфиёна шеърлар ёзган ва хуруфийликнинг ёйилишида буюқ рол ўйнаган санъаткорлардан бири бўлганини қайд этади.

Дарҳақиқат, Насимий адабиёт тарихида мардлик, жасорат, қаҳрамонлик тимсоли сифатида шуҳрат қозонган.

**Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.**



Мустақиллик иншоотлари

Ўқишни битириб ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб келган Низом бутунлай бошқа оламга тушиб қолгандек бўлди. Мактаб биноси у ўқиган даврдангача нисбатан харобаларда, дарсага ўқитувчиларда ишתיқ, ўқувчиларда ҳафсага йўқ эди. Иختисослиги бўлган жисмоний тарбия дарслари номигагина ўтилди. Биринчи кўнлардан директор хузурига кирди. Спорт залини таъмирлаш, анжомлар тўлиқлигига эришиш кераклигини айтиди. Мактаб директори бунинг хозирча имконияти йўқлигини таъкидлагач, Низомнинг ўзи ишга киришди. Мутасадди ташкилотлар, хомийлар, мактаб касабга уюшма кўмитаси ёрдамида анча-мунча спорт анжомларини топиб келди. Спорт тўғрисидаги фаолият йўлга қўйилди. Бир йил ўтмай мактаб ўқувчилари туман, вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол қатнашадиган бўлди. Ҳатто, юқори натижалар ҳам қўлга киритилди. Аммо спорт залини таъмирлаш чораси топилмади.

Кундалик ташвишлар гирдобига уч йил ўтиб кетди. Бир кун мактаб директори Ҳалима Ибрагимова ҳеч қачон қўлимдан Низомнинг кўриб чиқиб, ўзи ишдан кетаётганини, директорлик лавозимига уни тасвир этаётганини айтиб қолди. Низомжон кўп ўйлади, иккиланди, журъати етмади: ёшлиги ва тажрибасизлиги панд бериб қўймасмикин? У бир хусусга келгунча директорликка бошқа киши тайинланди. Энда гап ётмайди-дейдилар. Низомжоннинг директорликка тасдиқдан ўтмагани ҳақида гап чиқди. Унга таъна ҳам қилишди, ҳатто эплай олмайди, қўлидан иш келмайди ҳам дейишди. Аммо унинг нималардан истиҳоло қилганини ҳеч ким билмади. Дунёнинг ишлари қизик: орадан икки йил ҳам ўтмай Н.Исломов мактаб директорлигига тайинланди. Бировлар чин дилдан қувониб табриқлади, бировлар эса... Аммо Низом Исломов

илмга, қонунга, ҳолис фикрга таяниб ўқитувчи ва ўқувчилар манфаатини кўзлаб иш тутди. Холисанилло бор гапни айтиш керак: спорт билан шуғулланиб, мусобақаларда чинакам курашган кишилар мард, тан-сўради.

— Мактабга 1500 та шифер керак. Парталарни тўлиқ янгилаш, деразаларга катта ўлчами ойна зарур, — деди Низомжон масалани аниқ баён этиб.

Кўп ўтмай мактабга шифер ажратилди. Бундай катта ишни бажаришнинг ўзи бўлмади. Низомжон маҳалла йиғинига, қишлоқ оқсоқоллари хузурига борди. Қарияларнинг даввати билан катта ҳашар бошланди. Ширкат ҳўжалиги ёғоч ажратди.

— Уша вақтда мен туман ХТБ ходими сифатида мазкур мактабдаги таъмирлаш ишларини назорат қилиш учун мутасадди этиб тайинланганим, — дейди Фозир Ҳакимов. — Теракларни мактаб директори, унинг ўринбосари, ҳўжалик ишлари мудири кесишар, ўнлаб қишлоқ йиғитлари техника ёрдамида ташвишарди. Энг таҳсинга лойиқ, қишлоқнинг нафақахўр қоллари болорни пўстлоқдан ажратиб, тайёрлаб беришди. Эсимда, футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлаётган кўнлар эди. Директор уйдаги телевизорини мактабга келтириб қўйди. Кўпчилик бир неча кунлаб уйига бормай, шу ерда қолиб ишлашди.

Бино томи ёпиб бўлинган, синф хоналарини таъмирлашга киришилди. Биринчи бўлиб бошланғич синф хоналарини таъмирлашга тахталар тўлиқ янгиланди. Бино ичидagi йўлакларга мрамар ётқизилди. Девоорлар европа ва шарқона меъморчилик услубида сувоқдан чиқарилди.

Бундай катта қўламли ишни амалга оширишнинг, ҳашар уюштиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Қишлоқнинг Жониқул Жўраев, Дамин Исоидинов, Ботиркул Бердиқуллов сингалари кайвони кексалари, маҳаллақўмнинг ўша вақтдаги раиси Асад Уташев, ўқитувчилар Қаҳрамон Мирзаев, Салим Алимовлар зўр ташкилотчи-

лик, ташаббускорлик кўрсатишди. Жўракул Боймуродов, Баҳром Жўмартов, Абдурашид Эрмонов каби устодлар, Назокат Нурмонова, Рисолат Шукурова сингалари сувоқчи-бўёқчилар бор маҳоратларини ишга солишди. Бино тўлиқ таъмирдан чиққач, 500 тага яқин янги парта келтирилиб, жиҳозлар янгиланди.

— Ҳали қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп, — дейди Низомжон Исломов. — Ҳозирча энг зарурий ишни амалга оширдик, ҳолос. Мактаб биносини асраб-авайлаш, болаларни мизга ўқш учун кулай шароит яратиб бериш шарт.

Низомжон ҳамма нарсасига бошқача қарайди. Бор нарсани йўқотмаслик, бори-дан умнироқ фойдаланиш пайида бўлади. Масалан, унга мактаб ҳовлисига мевали дарахт экишни тақлиф этишганди. Лекин у бундан кўра ёғочбор тол ва терак экилса, кўпроқ даромад олиш мумкинлигини ҳисоблаб, асослаб берди. Ҳозир мактаб ҳовлисида 20 минг тулдан зиёд терак, 5 минг туп атрофида тол дарахти ўстириляпти. Шунингдек, анчагина мевали дарахтлар, гуллар ҳам бор. Яна шуни ҳам айтиш кераки, мактаб иситиш тизимининг эски қозонхонаси ҳовли ҳудудидан ташқарида жойлашган. Шу тўғрисида бу бинони сойтиб бориш кўзда тутилганди. Лекин Н.Исломов бу бинони кичик спорт залига айлантириб, ўнлаб тўғрақлар очиб, қишлоқ болаларини спортга ошно қилишни мўлжаллаб қўйган.

Жонқур мураббий, фидойи раҳбар Низомжон Исломовнинг оддийгина ақидаси бор: нурафшон келажакка эришмоқ учун баландпарвоз гаплардан воз кечиб, ёшларга таълим-тарбия беришнинг энг юқори поғонага кўтариш керак. Мана шу ақида фаолиятининг меҳвари, шижоатига қувват берувчи манбадир.

**Рустам ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» муҳбири**

Зуриёти соғлом юртни енгиб бўлмайди. Зеро, ақлан зукко, жисмонан бақувват, жасур, мард ўғлонлар Ватан қалқонлари, юртимизнинг интеллектуал салохиятидир. Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг ҳаракат дастурида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини кенг қулоқ ёйдириш вазифаси қўйилиши босиш ҳам шундан.

**ДЕҲҚОН СПОРТ
БИЛАН
ДЎСТЛАША...**

Андижон вилояти спорт беллашувлари майдонига айлиб бормоқда, десак муболага бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги шарафига Обод маҳалла йиғинга бағишлаб туман марказларида, маҳаллаларда, қўнларда спорт мусобақалари, спартакиадалар ўтказиш аънаъга айлиниб бормоқда.

Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан меҳнат жамоаларида спорт мусобақаларини узлуксиз ўтказишнинг таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тармоқ кўмитаси жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиб, унинг ижросини қатъий билан назорат қилиб борапти. Дастурда оилавий спортни омаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Янги спорт юлдузлари етишиб чиқяпти. Шу қўнларда қишлоқларда 350 нафар оилавий спортчилар чинқиқш мактабини ўтаётир.

Улар спортнинг 15 та тури билан шуғулланыаптилар. Қайси хондонга кирманг, дам олиш соатларида шохмат тахтасти устида бoш қотириб ўтирган отаболани учратасиз. Маҳалла йиғингоҳларида тўп сураётган ўсмирларнинг шодон ҳайқирғини эшитилиб туради. Эрталаб ўйингоҳлар, спорт майдончаларида, йўлакларда спорт либосида югуриб бораётган ўғил-қизларни кўрасиз.

Оилавий беллашувларда умумжамоа ҳисобида марҳаматлилар биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бахсларда Отахоновлар хондонига тенг келадиганлар топилмади. Улар бир йўла спортнинг 5 тури бўйича вилоят мусобақаси голиби бўлиб, қимматбаҳо совринни қўлга киритишди. Избосканлик Жамилахон Усарова рақибларини чиройли ўйинлари билан лол қолдириб, шашка устаси деган ном олди. Шунингдек, шохмат ўй бекларининг сеvimли ўйинига айланган. Қўрғонтепалик Оқибатхон Фафуровалар оиласи дала ишларидан бўшган кезларида маҳалладошлари бошини қовуштириб, беллашувлар ўтказишга орузманда.

Пахтаободлик Мастураҳон Жалилованин уйда стол теннисига алоҳида жой ажратилган. Оила аъзолари томорқа ишларидан сўнг теннис ўйнаб хордиқ чиқарадилар. Дарвоқе, машқлар зое кетмаётир. Оилавий теннисчилар туманда бўлиб ўтган бахсларда стол теннис бўйича пешқадам бўлиб, вилоят мусобақасида ҳам биринчи ўринга кўтарилиди.


**Тўхташ МИРЗАЕВ,
Андижон вилояти
агроекономат мажмуи
ҳодимлари касабга
уюшма кўмитаси
раисининг ўринбосари**

САХОВАТ УЛАШИБ

Меҳр-саховат кўрсатмоқ, улуғ кўнларда кўнли ўқсик етим-есирлар, ноғиронлар қалбига шодлик улашмоқ халқимизнинг азалий аънаваларидан ҳисобланади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами муносабати билан таълим ва фан ходимлари касабга уюшма Сурхондарё вилоят кўмитаси томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Вилоят тармоқ кўмитаси Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйи ҳамда Шўрчи туманидаги 68- ва 122-маҳсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига жами 240 минг сумлик саховат ёрдами кўрсатди. Тарбияланувчиларга байрам совғаси сифатида ўқув қуроллари топширилди.

Бундан ташқари, вилоят тармоқ ходимлари касабга уюшма кўмитаси вакиллари байрам арафасида Термиз шаҳридаги ҳарбий қисм зобит ва аскарларига олтимш минг сумлик байрам совғаларини туҳфа этишди.

А.НАБИЕВА



СУРХОНДАРЁНИНГ ЯНГИ МАКТАБЛАРИ

Мустақиллик байрами арафасида Термиз шаҳрида бир минг эллик ўринли янги академик лицей фойдаланишга топширилди. Денов туманининг Чеп қишлоғида эса 600 ўқувчига мўлжалланган педагогика коллежи қуриб битказилди. Музрәбод тумани марказидаги иқтидорли болалар лицейи биноси қайта таъмирланиб, педагогика коллежига айлантирилди. Айти пайтда, вилоятда 2 минг 100 ўқувчи янги ўқув йилини янги мактабларда бошлайди - Узун ва Сароисий туманлари қишлоқларида тўртта мактаб қурилиши ниҳоясига етди.

(ЎЗА)

ҚИШЛОҚДАГИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш масаласига эътибор ҳар қачонгидан ортди. Жумладан, Чортоқ туманида бу борада катта ишлар қилинмоқда. Яқинда «Алихон» қишлоғида врачлик пункти ишга туширилганлиги бунинг яна бир далилидир. Бунинг учун аввало қишлоқдаги фельдшерлик-акушерлик пункти тўла таъмирланди ва қишлоқ врачлик тармоғига айлантирилди. Таъмирлаш учун «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги ва бошқа хомийлар томонидан 8 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шунингдек, бу ердаги 10 та хона замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Ҳозир врачлик пунктида Абдулхамид Муродов, Ёқутхон Мамадалиева, Умрихон Ҳожиева, Манзура Муллабекова каби шифокорлар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Айти пайтда туманда 15 та яна шундай қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатяпти.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири**

ЁШ АВЛОД КАМОЛИ

Чортоқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатда 344 нафар иқтидорли ўғил-қиз янги педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия олмоқда. Ўтган ўқув йилида улардан 4 нафари республика фан олимпиадасида муваффақиятли қатнашди. Билим даргоҳининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўзида Япония ҳукуматининг 25,6 минг АҚШ долларлик грантини олишга эришилди. Бунинг эвазига ўқув парталари, стол ва стуллар, доска, китоб жовонлар, спорт анжомлари каби жиҳозлар харид қилинди. Мактаб-интернат янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари ҳам аъло даражада бажарилди. Ўқув бинолари, ётоқхона тўла таъмирланди. Шунингдек, 150 ўринли мажлислар зали, ошхона мажмуаси таъмирдан чиқарилди. Бунда хомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди. Жумладан, оталиқ ташкилотчи ҳисобланган «Мингбулоқнефт» корхо-

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 24.30

ISHONCH
МУАССИС:
**Ўзбекистон касабга
уюшмалари Федерацияси**

**Бош
муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ**

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Тиражи: 9183
Буортма Г— 817.

Манзилмиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қурсатқичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.